

Бу сура Куръон нусхаларида Маккада нозил килинган деб келинаётган бўлса-да, тафсир ва хадисларда у Мадинада ҳам такроран нозил килинган, дейилади. Шунинг учун ҳам бу суранинг номларидан бири - «Сабъул-масоний», яъни «икки бор нозил килинган етти оят» демакдир. Суранинг ўнга якин номлари бўлиб, улардан энг машхури «Фотиха», яъни «очувчи» – сураларнинг жойлашиши бўйича аввалида кўйилгани учун унга шу ном берилган. «Ал-Хамду» сўзи билан бошлангани учун бу ном билан ҳам аталади. Ислом дини мафкураси ва ахкомларини мухтасар шаклда ўзида мужассам этгани учун «Уммул-Куръон», яъни «Куръоннинг онаси» номи берилган. Мазкур етти оятни шархлаб баъзи муфассирлар бир неча жилдлик асар ёзиб колдирганлар. «Бисмиллахир Рахмонир Рахим» ояти «Фотиха» сурасининг таркибига кирадими ёки у кейин кўшиб кўйилганми? деган масалада мужтахидларнинг баъзилари уни шу сурадан деб санаганлар. Бошқалар эса Куръондаги 113 та сура бошланишидаги ҳамма «Бисмиллах»лар ҳам сураларининг таркибий кисмидан эмас, балки уларни бир-биридан ажратиб турувчи – фосила сифатида жойлаштирилган, деганлар. «Бисмиллох» ояти факат бир жойда – Намл сурасининг 30-оятда келган, деб таъкидлайдилар. Абу Ханифа (Имом Аъзам) ҳам шу фикрда бўлганлар. Шунинг учун Ханафий мазхабига мансуб хаттот ва ноширлар томонидан кўчирилган ва чоп этилган Куръон нусхаларида, хусусан, Туркия ва Покистонда нашр этилган нусхаларда «Фотиха» сурасининг бошида келган «Бисмиллах»га ракам кўйилмайди. Араб дунёсида чикадиган Куръонларда эса унга 1 ракамни, «Фотиха» сурасининг биринчи оятига эса 2 ракамни кўядилар.

Мехрибон ва рахмли Аллох номи билан (бошлайман).

1. Мехрибон ва рахмли Аллох номи билан (бошлайман).
2. Хамд оламлар Рабби Аллохгаким,
Изох: Хамд сўзи арабча бўлса-да, мусулмон халклари тилида кўп ишлатилиши ва унинг мазмуни ҳам бир қадар тушунарли бўлиб кетгани учун таржимасиз ўзи берилди. Аслида хамд – бу мактов демакдир. Лекин бу мактов Аллохгагина хосдир. Яъни Аллохдан бошқага хамд сўзини ишлатилмагани маъкул. Зеро, хамд – бу макталувчидаги яхши сифатларни хар канча таъриф ва тавсиф килса ҳам озлик килишини англатади. Инсонни мактаганда эса мадх сўзини ишлатган маъкул. Зеро, мадх – бу макталувчида мавжуд бўлмаган яхши сифатларни ҳам кўшиб макташдир. Оятдаги «оламлар»дан мурод бутун мавжудотдир.
3. (У) мехрибон, рахмли
4. Ва жазо куни (киёмат)нинг эгасидир.
5. Сенгагина ибодат киламиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз!
6. Бизни шундай тўгри йўлга бошлагинки,
7. (у) Сен инъом (хидоят) этганларнинг йўлидир
Изох: Аллох инъом этган кишилар – пайгамбарлар, сиддиклар ва шахидлардир, газабга учраган ва адашганларнинг эмас!

Изох: Аллохнинг газабига учраганлар – Мусо кавмининг итoатсизларидир (Бакара сураси, 61-оятга каралсин). Адашганлар эса Исо кавмининг «Аллохнинг фарзанди бор» дейдиганларидир.